

**XDF**

1918-yil  
21-iyundan chiqa  
boshtagan

№41, 2022-yil  
12-oktabr,  
chorshanba (32.735)

# O'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 октябрь куни Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Татаристон билан амалий шерикликин кенгайтириш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларида қўшма инновациян лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Етакчи корхона ва компаниялар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг илк натижалари мамнуният билан қайди.

Тошкент вилоятидаги "Чирчик" кимё-индустрисал технопарки доирасида кооперация кўлами кенгайтириб бормоқда. Хусусан, 16 та инвестиция лойиҳаси тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Қабул қилинган "йўл харитаси"га мувофиқ, машинасозлик тармоғида, янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида, қичик тоннажли кимё ва нефтин кайта ишлаш, агарр саноат, IT соҳаларida кооперацияни кучайтириш ва лойиҳаларни илгари суриш истиқболлари муҳокама килинди.

Ўзбекистон ҳудудларида, шу жумладан, Жиззах ва Тошкент вилоятларида қўшма бизнес лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълимга оид, техник ихтисосларни бўйича кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги дастурларни амалга оширишига келишиб олинди.

ЎзА.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозогистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг тақлифига биноан 12-14 октябрь кунлари Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил давлатлар Ҳамдустлиги давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисларида иштирок этиш учун ташриф билан Қозогистон пойтахти Остона шаҳрида бўлади.

13 октябрь куни бўлиб ўтадиган юкори даражадаги халқаро форум – Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида қитъамида хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг долларб масалалари кўриб чиқлади.

14 октябрь кунига режалаштирилган МДХ мамлакатлари етакчиларининг учрашувда кўп томонлама шериклигининг энг мухим жиҳатлари ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш истикборларини муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Бўлажак тадбирларда алоҳида эътибор ўзаро савdonи кўпайтириш ва саноат кооперацияси лойиҳаларни илгари суриш, самарали транспорт коммуникацияларини шакллантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиб масалаларига қаратилади.

Бундан ташқари, саммитлар доирасида Ўзбекистон Президенти ҳамкор мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан иккى томонлама учрашувлар ва кўп томонлама музокаралар ўтказди.

ЎзА.



## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: АҲОЛИ КАЙФИЯТИ – ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ВА СИЁСАТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 октябрь куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йигилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда амала оширилаётган барча ишлар, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар халқни рози қилишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари ҳар доим "ислоҳотлар натижасини одамлар ўз ҳаётida, маҳалласида сезсин", деб талаб қўяди.

Шу мақсадда жорий йилги дастурлар доирасида 4 минг 100 та маҳаллани обод қилиш, болалар боғчаси, мактаб, соғлиқни саклаш, сув, электр, канализация билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга бюджетдан қарийб 29 трilliон сўм маблағ ажратилди.

Бунинг эвазига 434 та маҳалла ички йўллар таъмирланди. 672 та маҳаллага ичмилк суви тармоғи тортилди. 34 та янги мактаб барпо этилди, 338 таси реконструкция қилинилди, 360 таси таъмирланди, уларда кўшимча 78 минг нафар ўқувчи таълим олишига имконият яратилди. Шунингдек, 580 та трансформатор, 20 минг километр тармоқлар янгиланиб, 413 та маҳалладаги 1,5 миллион аҳолининг электр таъминоти яхшиланди.

Йигилишда бундай ишларни тизимли давом эттириб, маҳаллалардаги долзарб масалаларни ҳал қилиш чоралари муҳокама қилинди.

– Ҳеч бир фуқаро ўзининг муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги керак. Аҳоли кайфияти бу – ислоҳотларимиз ва сиёсатимизнинг кўзгуси. Каттами-кичикм, одамлар айтган ҳар бир муаммога ўз вақтида муносабат билдириш, уларни

босқичма-босқич ҳал қилиш барча даражадаги раҳбарларнинг энг устувор вазифаси бўлиши шарт, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда юртимизда 9 минг 370 та маҳалла бор. Президентимиз топшириғига кўра, уларнинг ҳар бирiga борилиб, аҳолини қийнаётган муаммолар рўйхати шакллантирилган.

Хусусан, йўл, ичимлик суви, суғориш тизими, электр таъминоти, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ 12 мингта масала кўтарилиган.

Йигилишда мазкур муаммолар ечимини ўз ичига олган аниқ вазифалар белгиланди.

4 минг 979 та маҳаллада режалаштирилган 5 минг 695 та курилиш-таъмирлаш лойиҳалари учун "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" жамғармаларига 1 трilliон 700 миллиард сўм йўналтирилиши айтилди. Эҳтиёжга қараб йил якунига қадар яна 1 трilliон сўм ажратилади.

Маҳаллалarda турмуш шароитларини яхшилашда "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси айни муддоа бўлмоқда. Жорий йил иккичинчи ярмида бу лойиҳада 9 минг 201 та (98 фоиз) маҳалла иштирок этди. Овоз бериш якунларига кўра, 1 минг 221 та маҳалладаги 1 минг 418 та лойиҳа ғолиб деб топилиб, улар учун жами 1 трilliон сўм маблағ ўтказиб берилди.

Президентимиз аҳоли талабларини қоноатлантириш ва маҳаллаларни обод қилиш мақсадида "Ташаббусли бюджет" лойиҳасини янада кенгайтириш таклифини билдириди.

Давоми 2-бетда. ►



Кечаги кун ўзбек спортидаги тарихий кунлардан бири бўлди.

Дзюдо спорт тури тарихида биринчи марта Ўзбекистон терма жамоаси 2 та олтин медални қўлга кириди.

Биринчи марта Ўзбекистон дзюдо бўйича жаҳон чемпионатига мезонлик қўлмоқда.

90 килограммгача бўлган пол-

вонлар баҳсида 25 ёшли Давлат Бобонов тенгсиз, деб эътироф этилган бўлса, 22 ёшли полвонимиз Музаффарбек Туробоев 100 килограммгача бўлган полвонлар ўтрасида зўрлигини амалда ибботлади.

Самарқанд дзюдо мактаби тарбияланувчиси Бобонов курашларда дастлаб словакиялик Петер Зилькадан устун келган бўлса,

сўнг Жанубий Кореялик Жеу Оп Ханни иппон эвазига мағлуб этди. Чорак финалда эса болгариялик Ивойло Иванов ҳам иппон баҳоси билан таслим этилди. Мурасасиз ўтган ярим финал баҳсида эса амалдаги олимпиада чемпиони грузиялик Лаша Бекауридан устун келгиян Ўзбекистонлик дзюдочи финалга ҷиқиб, Кристиан Парлатини мағлубиятга учратди ва терма жамоамизга илк олтин медални тақдим этди.

Маълумот учун, Бобонов Токио-2020 олимпиадасида бронза медаль, 2021 йил Будапештда ўтган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида кумуш медаль, Бишкеқдаги Осиё чемпионатида эса олтин медалга эга чиқкан. Бобонов хозирча рейтингда 3-погонани эгаллаб туриди.

22 ёшли сурхондарёлик Музаффарбек дастлаб америкалик Смитни, грузиялик Варлам Липертини, канадалик Шади Эланс (дунё рейтингида 4-үринда) ва ярим финалда нидерландиялик Майкл Коррел (дунё рейтингида 2-үринда)ни мағлуб этди.

Ҳал қиувлечи беллашувда Туробоев канадалик Кайл Рейесни мағлуб этиб, Ўзбекистон хисобига иккичи олтин медални тақдим этди.

Маълумот ўрнида, Музаффарбек бу йил Париж катта дубулға турнирида бронза, 5-Ислом бирдамлиги ўйинларида олтин медални қўлга киригтан эди.





50-100 йилни кўйинг, 20-30 йил аввалгида ҳаёт, одамлар мисли кўрилмаган даражада тезлашган. Дунёни кўриб, билиб қолай, деб интиладиганлар жуда кўп. Эҳромларни кўрсам, Римни айлансан, Хитой деворида юрсам, деб орзу қиласидиганлар бўлса керак. Бу оламга келиб, Самарқандни кўрмай кетамизми, деб савол берадиганлар ҳам оз эмас. Ахир, бу оламда бошқа Самарқанд йўк.

Олис манзилдан келаётган сайёхга аввало осмон керак, самодаги йўл керак. Осмоннинг йўли эса жуда кенг. Президент Шавкат Мирзиёев юртимизнинг осмони меҳмонлар учун, бутун дунё сайёхлари учун очиқ ва эркин бўлиши йўлида жуда улкан вазифаларни белгилаб берган.

Ишла, мол қил, тўй қил, машина ол, деган ҳаваслардан ошиб, "Мен аввал юртимни, Ўзбекистонимни кўрай", деб орзу қиласидиган ватандошларимиз кўпайиб қолди. "Дабдабали бир тўйнинг пулига 10 та зиёратгоҳга борсам бўлар экан", деб юрганлар қанча. Уларга ҳам йўл керак, осмон керак.



# МАМЛАКАТНИНГ ОСМОНДАГИ ЙЎЛИ

## ЧЕКЛОВЛАР ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 19 сентябрь куни мамлакатимизнинг ички ва ташки туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирларни юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда соҳага оид қатор масалалар ҳақида сўз борар экан, транспорт тизимишини янада яхшилашга алоҳидаги тўхтабиб ўтилди. Хусусан, хорижий ҳамда махаллий авиаракетларни кўйлайтириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратиди. Давлат ракҳари барча давлатларнинг авиацияга масъул идораларига Самарқанд аэропортида хорижий авиакомпаниялар рейслари ва йўналишларига бўлган барча чекловлар олиб ташланганини етказиш вазифасини топшириди. Бу орқали ҳалқаро қатновларни кўйлайтириш мақсад қилинган.

Билдирилган таклифлар асосида мамлакатдаги бирёзлама иқтисодийт барқарор бўлмаслигига ургу бериди. Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ислоҳ қилиб, кенг кўламда ривожлантириш чораларни кўриш зарур. Туризм салоҳиятини ва имкониятларни рўёбга чиқаришига мухим воситалардан бирни эса авиа қатновлар сонини ошириш, Ўзбекистон осмонини бошқа мамлакатлар учун ҳам очиш лозим.

Орадан кўп вақт ўтмаган бўлса-да танқидий-тахлилий фикрлар, таклиф ва топширилар амалиётда ижросини топа бошлади. Одамлар орасида "бўлар экан-ку", деган хитобар кўйлади. Чунки ҳалқаро авиакомпаниялар учқолари учун юртимиз аэропортига кўниш имконияти кенгайди.

## БОКУДАН САМАРҚАНДГА ЙЎЛ БОРМИ?

Озарбойжоннинг Azal авиакомпанияси Самарқандга парвозларни бошлади.

Uzbekistan Airports хабарига кўра, бу йўналишда мунтазам парвозлар хафтасига иккى марта Airbus A320 самолётларида: сесанба ва жума кунлари амалга оширилиши режалаштирилган.

1992 йилда ташкил этилган «Озарбойжон хаво йўллариги» (Azal) йирик авиаташувчи бўлиб, Boeing va Airbus самолётларининг замонавий паркига эга бўлган МДХ мамлакатлари авиация хамжамиятидаги етакчилардан бирни хисобланади.

Самарқанд Озарбойжон авиаташувчиси парвоз киладиган Ўзбекистондаги иккинчи шахарга айланади. Бокудан Тошкентга парвозлар мунтазам равишда пайшана ва якшанба кунлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд юртимизнинг қадимий ва дурдан шахарларидан бўлиб, туристларни жалб килишида мухим манзиллардан бириди. Шу сабабли у ерда бўёнд этилган ёнги ява замонавий аэропортда бешинчи эркинлик режими жорий этилмоқда. Бу орқали туризмнинг ривожланишига хисса кўшувчи чоралар кўзда тутилган. Янын, турли авиакомпаниялар ва давлатлардан туристлар келишини таъминлайди. Ушбу тажриба амалда синалган бўлиб, Истанбул ҳамда Дубай каби мегаполис шахарларда жорий этилган. Эътиборли жиҳати, бир мамлакатдан учб қелган самолёт ўша давлатга кайтмасдан бошқа давлатга учб қетиши имконига эга бўлади.

## БЕШИНЧИ ҲАВО ЭРКИНЛИГИ

Ҳаво худуди эркинларни - бу бир давлатнинг авиакомпанияларига бошқа давлат ҳаво худудига кириш ва унинг худудига кўниш хуқуқини берувчи фуқаро авиацияси қоидалари мажмудидир. Ушбу қоидалар 1944 йилдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги кон-

венцияда белгиланган авиацияни либераллаштириш даражаси бўйича келишмовчиликлар натижасида шакллантирилган.

Ҳалқаро тажрибага кўра, "Очиқ осмон" сиёсатининг кўлланилиси йўловчи ташувларини ўтчача 35 фойизга ошириш имконини берди. Мухими, бу авиачипталар нахрининг ҳам сезирали даражада, яъни 20 фойиздан 40 фойизга пасайтиради. Бундан ташқари, мазкур режим ўнинглаб янги иш ўринларини яратади. Масалан, Австралия ва Янги Зеландия ўтчасидаги келишув 40 минг, Сингапурдаги либерал ҳаво режими 163 минг иш ўринини яратишга сабаб бўлган. Умуман олганда, бугунга келиб фуқаро авиацияси дунё миқёсида 63 миллион кишини иш билан таъминланмоқда ва унинг жаҳон ЯИМдаги хиссаси 3,5 фойизни ташкил қиласди. Ўзбекистоннинг бўладиги ўтчасидаги килимларни яратади. Масалан, Тошкентга қайтиш рейслари ҳам шу кунга ревалаштирилган.

Шу кунларда Uzbekistan Airports компанияси мутахассислари мамлакатимиз ҳалқаро аэропортларини оммалаштириш мақсадида хизмат кўрсатиш сифатини ошириши, аэропортларнинг техник имкониятларни кенгайтириши, уларнинг Марказий Осиё миintaқасида рабкорбатардошлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тақдимотлар ўтказмоқда. Ўтган ҳафтада Финляндиянинг ёнг йирик авиаташувчilarидан бирни саналган Finnair авиакомпанияси билан музокаралар олиб бориди. Унинг якунига кўра, Финляндиянинг ёнг йирик авиакомпанияси юк ташишини ташкил этиши, йўловчи рейсларини код-шеринг (бир неча авиакомпанияларнинг биргаликдаги парвозлари) асосида амалга оширишдан мангафат эканини билдирган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, агар давлат «очиқ осмон» сиёсатини олиб борса, у ҳолда ўз ҳаво ҳудуди ва аэропортларидан фойдаланиш қоидаларини имкон қадар содалаштириши керак. Шунингдек, унинг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш, айниқса, рақобатардошар нахрларда самолёт ёқилғиси билан таъминлаш билан боғлиқ ҳаражатларни минималлаштириш зарур. Авиакомпания маълум бир мамлакатта учиш ёки учмаслик тўғрисида қарор қабул килганда, иккита асосий омил — самолёт ёқилғиси ва аэропортларда хизмат кўрсатиш нахри алоҳида аҳамият касб этишини унунтаслики лозим.

## ЎЗБЕКИСТОНДАН ЎЗБЕКИСТОНГА

"Uzbekistan Airways" АЖ жорий йилнинг 27 сентябрь кунидан бошлаб республика ичидаги йўналишлар бўйича янги қатновлар жорий этилишини маълум килган эди. Унга кўра, Фарғонадан хафтасига бир марта, Андикон ва Намангандан иккى мартадан қатновлар йўлга кўйилди. Чипта нархи бир томонга 206 184 сўмдан, бориб-қайтиш учун 434 072 сўмдан бошланади.

Урғанч — Фарғона йўналишидаги чипталар нархи 314 702, Урғанч — Фарғона — Урғанч йўналишидаги авиачипталар эса 596 849 сўмдан бошланади.

Намангандан — Бухорога ҳам чоршанба кунлари қатновлар бошланди. Чипта нархлари бир томонга 299 984 сўмдан, бориб-қайтишига эса 596 849 сўмдан бошланмоқда.

Демак, ростдан ҳам бажарса, бўлар экан.

## ДУНЁДА ҚАНДАЙ? ИСТАНБУЛ

Истанбул аэропорти жуда ривожланган инфратузилмага эга замонавий бино бўлиб, лойиҳа эзгалири ҳар бир кичин нарсани ўйлаб чиқсан. Албатта, бунда йўловчилар бағаж логистикасининг кулалиги эътиборсиз колдирилмаган. Аэропорт инсонлар учун хизмат кўрсатади. Масалан, Туркия аэропортида ҳеч қандай трап-тазисиз маҳсус ёпиқ йўлга орқали самолётга чиқиш имконияти мавжуд.

Air Clinic дея номланувчи хизмат ходимлари имконияти чекланган йўловчиларга маҳсус аравачаларда индивидуал хизмат кўрсати-

шади, йўловчини керакли манзилга кузатиб қўйишади.

Истанбул аэропортида турк ва жаҳон ошхоналаридан мазали таомларни тақлиф киливчи бир неча турдаги кафе ҳамда ресторонлар мавжуд. Нонвойхоналар, қандолатхоналар, кафелар, барлар, ресторонлар, машхур кофе тармоклари, буфетлар йўловчиларга турли хил таомларни тақлиф килид.

Дўёнкларда чакана савдо соҳасида сўнгги технологиялардан фойдаланилди. Масалан, ёнг янги ва оммабоп технологиялардан бир бўлган «Сеҳрли кўзгу» харидорларга соатлар, кўёшдан саклайдиган кўзойнаклар, аксессуарлар, кийим-кечак ва косметика маҳсулотларини хатто синап кўрмасдан ҳам кўриш имконини беради.

Мижозларнинг электрон профилини аниқлаш тизими сабабли дўёнклар ўз мижозларига эксклизив хизматлар ва маҳсулотларни тақлиф қилиши мумкин. Шунингдек, Истанбул аэропортида маҳсус транспорт воситалари ва ёрдамчиликлар хизмати ҳам йўлга кўйилган. Йўловчиларга ёнг янхи хизматни тақдим этиши учун Истанбул аэропорти ўз хизматлари рўйхатига бир неча тибий муассасаларни ҳам киритади. 24 соат очиқ дорихоналар, сарторошона, курорт, косметика дўкони, гўзаллик салонлари ва яна кўп нарсалар ташкил этилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, Истанбул аэропортида IGA Sleepods, деб номланган кўплаб дам олиш кабиналари мавжуд. Бу аэропортга эндиғина этиб қолган ва кейнги парвозига бир неча соат қолган йўловчилар учун ёнг янхи имкониятидир. Бу уйку кабиналарни кичик, аммо тез ухлаш, дам олиш учун жуда кулади.

## ДУБАЙДА

Хеч ким аэропортда қолиб кетиш хиссini ёқтиримайди. Аммо агар сиз қандайдир тарзда Дубай аэропортида трансферга «тиқилиб қолган» бўлсангиз, ўзингизни омади, деб ҳисобланг. Чунки у ерда йўловчилар учун барча шароитлар яратилган. Мухими, ҳар йили улар янада яхшилайди бормоқда. Шунинг учун бу жой кечаю кундуз банд бўлиш мумкинлигини кафолатлади.

Дубай аэропортида турли хил ресторонлар мавжуд - Яқин Шарқ, Таиланд, Хиндистон, Ирландия - ёки Shake Shack ва Starbucks каби йирик дўконлар ҳам хизматда. Шунингдек, шунчак ичиш учун бирор нарса олиш ва аэропорт барларидан бирорда спорт трансляциясини томоша килиши мумкин.


Аэропортда боғлар, ям-яшил ўсимликларнинг ўйғунлиги, сувнинг тинчлантуривчи товшулари, дам олиш ва осойишталикка чўмиш учун кўплаб ўринцилар бор. G-Force клуб эса узоқ сафардан олдин ёки кейин дам олиш учун керак бўлган шахар нарсани тақдим этади. Сауна, жакузи, спорт зали, душ ва бошқаларни топиш мумкин.

Бундан ташкири, аэропортда нигоронлиги бўлган барча йўловчиларга маҳсус ёрдам хизматлари кўрсатилади. Алоҳида эътиёкли йўловчилар учун жўнаб кетиш залида маҳсус столлар қўйилган. Шунингдек, алоҳида эътиёкли одамлар учун заллар ташкил этилган.

Аэропорт - мураккаб механизм бўлиб, унда ҳаёт қизғин давом этади ва бир дақиқа тўхтамайди. Ўз тузилишида у кўпроқ шахар ичдаги шахарга ўхшайди - унинг ўзига хос хизматлари, инфратузилмаси, ўз муаммолари ва шошилинч эътиёклилари бор.

Осмонимиз очилиб, кенгаяверсин. Дунё Ўзбекистони, Ўзбекистон ҳам дунёни кўра-версин.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,  
"Ўзбекистон овози" мухбири.**



## Ўзбекистон — Канада: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутатлари Д.Файзиева, Э.Салиховлар Канаданинг юртимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси (қароргоҳи Москва шахрида) Э. Леклер билан учрашиди.**

Мулоқот аввалида меҳмонга Конунчиллик палатасининг таркиби тузилиши, унинг конун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, палатанинг қўмиталари, комиссиялари хамда депутатларнинг асосий вазифалари хамда "Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари" тамоили асосида қабул қилинган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, элчи Конунчиллик палатасининг ракбарияти ва парламент аъзоларига учрашув учун ўз миннатдорлигини билдирган холда, давлатнинг ични ва ташқи сиёсати, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги барқарор ривожланишида парламентнинг фаолияти катта аҳамиятга егаллигини таъкидлади.

Э.Леклер мамлакатимизга элчи бўлиши унга юксак

гурур бағишлиши билан бир қаторда, катта масъулият хам юқлашини маълум килди. Унинг фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи давлат сифатида ўзини намоён қўимкоқда ва минтақадаги барқарор вазиятни таъминлашда муҳим ўрин егаллашини алоҳида айтиб ўтди.

Учрашувда элчи Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва ташабbusлари натижаси мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуғузи янада юқори даражага кўтарилаётганини эътироф этиб, мазкур ислоҳотларни амалга ошириша ўз хиссасини кўшишга тайёр эканлигини маълум килди.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда томонлар иккимамлакатнинг нафакат парламентларо, балки бошқа соҳа ва ўнналишларнинг ривожланиши борасида ўзаро фикр алмашинувлари орқали тегиши чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Конунчиллик палатаси  
Ахборот хизмати.**

# 70 дан 60 га тушди

**Қўлингизга уали телефонигизни олсангиз, ҳар куни бир эмас, бир неча автоҳолкалар содир бўлаётгина ҳақидаги хабарларга кўзингиз тушади. Ачинарлиси, улар орасида ўлим билан тугаган холатлар ҳам бор. Қанча таъкидланишига, оғохлантиришларга қарамасдан, тезлигни ошириш оқибатида энг даҳшатли ҳодисалар рўй бермоқда.**

Шундан келиб чиқиб, ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Конгени сессиясида пойттахтнинг Кичик ҳалқа автомобиль ўюли ичida жойлашган барча кўчаларда транспорт воситаларининг харакат тезлигини соатига 60 км.гача чеклаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қайд этилишича, баъзи кўчаларда ҳаракат хавфсизлигини тўлақонли таъминлаш, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ходисаларининг олдини олиш ва камайтириш, шунингдек, ҳаракат иштирокчилари учун етарили даражада қуляй шароитлар яратиш мақсадида транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини соатига 50 км.гача чеклаш мақсадга мувоғик, деб хисобланди. Булар журмасига Алишер Навоий, Махтумкули, Амир Темур, Кичик ҳалқа автомобил йўли, Ислом Каримов, Тарас Шевченко, Бобур ва

Фурқат кўчаларининг бир қисми ва Амир Темур хиёбони айланма йўли киради.

Доимий комиссия киритган масала кенгашнинг навбатдаги сессиясида кўриб чиқлади.

Агар ушбу чора ўз самарасини берса, келажакда шахардаги барча кўчаларда тезлик пасайтиради.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда олти ойда 3559 та ЙХ содир бўлди (бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,2 фоизга кам), уларда 2775 киши жароҳат олди (-2,4%), 784 киши эса ҳалок бўлди (-13,9%). ЙХларнинг қарийб тўртдан бири тезлики ошириш оқибатида юзага келган. Салкам ярми эса пайдаларни уриб кетиш билан боғлик.

Мъалумот учун: 2022-2026-йилларда Ўзбекистонда ўсмиллар саломатлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлаш бўйича миллий ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси ёлан қилган ҳужжатга кўра, Ўзбекистонда йўл-транспорт жароҳатлари 18 ёшгача бўлган ўғил болалар ўлнимининг биринчи сабаби хисобланади. Мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси Европа мамлакатларига қараганда тўрт баравар юқори.

**21 ОКТЯБР – ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВLAT TIILI MAҚOMI BERILGAN KUN**

# МАЊНАВИЙ КАМОЛОТ МАНБАИ



**Ёрқинжон ОДИЛОВ,  
филология фанлари  
доктори, профессор:**


лар, маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ходимлари, юртимизда доимий истиқомат қилаётган бошқа тилларда сўзлашувчи аҳоли, шу жумладан, хорижий фуқаролар давлат тилида иш юритиш, ўзбек лотин алифбоси фанлари орқали давлат тилини ўргаништариш, ўзбек лотин алифбосида ёза олиш кўнинмаларини шакллантиримоқдалар, лотин ёзувига асосланган имло қоидалари билан танишимоқдалар.

Ижтимоий заруратни қондириши мақсадида айни дамда давлат университетлари хамда педагогика институтлари ҳузурида давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказининг ҳудудий бўлинмалари иш бошлаган.

Ўзбекистонда холис тил сиёсати олиб борилади. Бунинг маъниси шуки, республика ҳудудида давлат тилини ривожлантириши билан бирга, бошка миллият ва элатларнинг она тиллари ривожига ҳам ғамхўрлик қилинади.

"Ўзбек тилини 2020-2030 йилларда ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси"да юртимизда истиқомат қилаётган миллат ва элатлар вақилларига давлат тилини ўрганиш учун кулаш шарт-шароитлар яратиб берилиши назарда тутилган бўлиб, бу биринчи галда мактабгача, мактабда олий таълимда ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш билан амалга оширилади. Масалан, 2020 – 2021 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларининг таълим бошқа тилда олиб бориладиган гурухларида давлат тили сабоқлари бериб келинмоқда. Ушбу фан доирасида талабалар давлат тилида иш юритиш мактабасини эгаллайдилар, турли иш ҳужжатларини давлат тилида расмийлаштириш кўнинмасига эга бўладилар. Умуман, ўзбек тилида гапира олиш, ёза билиш лаёқатини шакллантиримоқдалар.

Ўзбек бўлмаган миллат вакилларига давлат тилини ўргатиши муроҷау аҳборот воситалари хизматидан ҳам кенг фойдаланишга киришилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ташқи ишлар вазирияти, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмистасининг таклифи билан "Ўзбекистон" телеканалида "Дўстлик" аҳборот-маърифий дастурлар



**Ёшу қарининг шуурига она тилининг муқаддаслиги, жуда зарур миллийлик эканлигини сингидра олсак, ўқувчиларда тил таълими орқали ўзбекона лутф малакасини шакллантира билсак, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида давлат тилида иш юритиш кераклигини тушунсак, тушунтирсак, давлат тили ҳалқимизнинг мањнавий камолотига хизмат қилади.**

таҳририяти иш бошламоқда. Ушбу таҳририят юртимизда юшаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари хамда анъаналарини, умуман, мањнавий-маърифий тадбирларни ўқитиб боради. Зотан, мањнавий тарғиби бошка миллий мадданий урф-одатларни хурмат килишдан бошланади.

Давлат тилидан тўғри ва тўла фойдаланишга эришиш учун фуқароларда тил мањнавиятини шакллантириш зарур. Тил мањнавияти оиласда тил тарбиясини тўғри йўлга кўйиш, таълимнинг барча бўйноларида она тили ва адабиёт дарсларининг сифатини ошириш, ОАВда мунтазам тарғиблар билан шакллантиради.

Давлат тилидан тўғри ва тўла фойдаланишга эришиш учун фуқароларда тил мањнавиятини шакллантириш зарур. Тил мањнавияти оиласда тил тарбиясини тўғри йўлга кўйиш, таълимнинг барча бўйноларида она тили ва адабиёт дарсларининг сифатини ошириш, ОАВда мунтазам тарғиблар билан шакллантиради.

Бугун телевидение ёки радиода давлат тилининг обўсунин кўтариш борасида гап кетганди, аксар ҳолларда кўча-кўйдаги ёзувларнинг ажнабий тилда эканлиги, ёшларнинг она тилига белисандлиги, фикрини давлат тилида ёрекин, лўнда ифода эта олмаётганлигидан ёз-

тирилади. Бу – бор гап, аммо мени оғринтирадиган томони уларнинг давлат тилидек катта тушунчани факат шу холатида тасаввур қилаётганлари, тушунаётганлари.

Давлат тилини билиши, давлат тилида иш юритишни заруратга айлантириш керак, дейишимизнинг ёзмади, гапирмасангиз бўлмайди, кўполроқ қилиб айтганда, ишнинг битмайди. Зарурат эктиёжин келтириб чиқаради. Бу давлат тилини амалий ҳаётимизнинг энг зарурий воситасига айлантиради-кўяди. Дунёнинг қайси давлатга борманг, яшаманг, аввало, ўша давлатнинг тилини ўрганмасангиз кунингиз мумкин.

Қиссадан хисса шуки, давлат тили – Ўзбекистон отлиғ давлатнинг тили. У қонун билан ҳимояланган. Бу тилининг қонуний талабларига барча бирдек риоя этиши шарт, чунки бу тилга белисандлик. Демак, ёшу қарининг шуурига она тилининг муқаддаслиги, жуда зарур миллийлик эканлигини сингидра олсак, ўқувчиларда тил таълими орқали ўзбекона лутф малакасини шакллантира билсак, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида давлат тилида иш юритиш кераклигини тушунсак, тушунтирсак, давлат тили ҳалқимизнинг мањнавий камолотига хизмат қилади.





## NOBEL – 2022

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi [facebook.com/uzbekistonovozi](https://facebook.com/uzbekistonovozi) [instagram.com/uzbekiston\\_ovozi](https://instagram.com/uzbekiston_ovozi) [info@uzbovozi.uz](mailto:info@uzbovozi.uz) [www.uzbovozi.uz](http://www.uzbovozi.uz)



# ИНСОНИЯТГА БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН

## НОБЕЛЬ ТАРИХИ

Алфред Нобель 1833 йил 21 октябрда Швециянинг Стокгольм шаҳрида туғилган. Унинг номини тарих зарвараларида абадий килган нарса ёзиб қолдирган васиятидир.

1895 йил 27 ноябрда Нобель Париждаги Швеция – Норвегия клубида учинчи ва охирги васиятномасиним имзолаган. Васиятнома унинг ўлимидан сўнг очилиб, ўқилганида, Швециядаги ҳам, халқаро миқёсда ҳам кўйлаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Чунки Нобель ўз бойлигининг катта қисмини мукофот таъсис этиш учун қолдирган эди. Нобель бутун мулканини ўтган йил давомида инсониятга энг катта фойда келтиргандарга мукофотлар бериш учун ишлатилишини буорган.

Унинг қолган барча реализация қилинадиган активларининг фоизлари бешта тенг кисмга бўлинниб, қўйидаги тақсимланади: физика, химия, физиология ёки тиббиёт, адабиёт соҳасида идеалистик йўналишда энг ажойиб асар яратган шахсга ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, доимий қўшинларни бекор қилиш ёки кискартириш, тинчлик конгрессларни ташкил этиш ва рағбатлантириш учун энг кўп ёки энг яхши ишларни қилган шахсга. Мукофотларни топшириша миллатига ўтибор берилмаслигини, мукофот энг муносиб одамга берилшини васитаси қилган.

1901 йилдан 2022 йилгача Нобель мукофотини жами 954 шахс ва 27 ташкилот олган. Шундайди қилиб, ҳар йили юқоридаги бешта соҳа вакилларидан энг муносиблари тақдирланади.

Бу йил мукофотни олганлар ҳам ўтган бир ийлнинг энг яхшилари, деб эътироф этилди.



## ФИЗИОЛОГИЯ ЁКИ ТИББИЁТ БҮЙИЧА

Физиология ва тиббиёт бўйича Нобель мукофоти швед биологи Сванте Паабога топширилди. У йўқ бўлиб, улар ҳар доим ҳокимиятни фуқароларнинг асосий хукуқларини химоя килишга, уруш жиноятлари, инсон хукуқарининг бузилиши ва ҳокимиятни суистеъмол қилиш холатларини ҳужжатлаштиришда катта сави-харакатлар қиласди. Улар фуқаролик жамиятининг тинчлик ва демократия учун аҳамиятини намойиш этади.



## ФИЗИКА БҮЙИЧА

Ален Аспект, Жон Клаузер ва Антон Зайнингер квант механикасидаги ютуқлари учун физика бўйича Нобель мукофотини олди.

Учлил "чигал фотонлар билан тажрибалар ўтказиш, Белл тенгизлик теоремаси бузилишини аниқлаш ва квант аҳборот фанига асос соглани" учун ғолиб бўлди.



## ИҚТИСОД БҮЙИЧА

Америкалик иқтисадчилар Бен Бернанке, Дуглас Даймонд ва Филип Дибиг иқтисад йўналишда Нобель мукофотини қўлга киритди. Улар банклар ва молиявий инқизозлар мавзусида тадқиқотлар ўтказган.

Тадқиқотлар молиявий инқизозларга қарши курашиб, иқтисадда банкларнинг ўрнини янада аниқроқ тушунишга ёрдам беради. Уларнинг тадқиқотида банклар инқизозга учрашига йўл қўймаслик жуда мухим экани ҳақида сўз боради.



## КИМЁ БҮЙИЧА

2022 йилги Нобель мукофоти америкалик Каролин Бертоцци ва Барри Шарплес, шунингдек, даниялик Мортен Мелдалга молекулаларни яратиш воситалари устида ишлагани учун берилди. Мукофот уларга "Клик кимёси ва биоортогонал кимё усусларини ишлаб чиққанлиги учун" топширилган. Маълумот учун Шарплес инкинчи бор Нобель мукофотига сазовор бўлди.



## ЯНА НОБЕЛЬ ҲАҚИДА

Алфред ҳаётидаги адабиёт мухини ўринни эгаллаган, катта кутубхонаси бўлган. Буюк ижодкорлардан илхомланиб, ёшлигида инглиз тилида шеълар битади. Умрининг охирларида Немесис трагедиясини ёзади. Алфреддининг фикрлари одамни чукур мушоҳадага ундаиди:

"Қаноат – ягона бойлик", "Ростгўй одам одатда ёлғончи бўлади", "Умид – бу ҳақиқатнинг яланчолигини яшириш учун табиатнинг пардаси"

Аҳмаджон ҚУРБОНОВ  
тайёрлади.

## ЎЗХДП ҲАЁТИДАН



## АЁЛЛАР СОҒЛИГИ – КЕЛАЖАК БОЙЛИГИ

ЎзХДП Фарғона шаҳар ҳамда Кувасой шаҳар кенгашлари ташабуси билан "Янгибод" МФИ, "Янгисол", "Шакар қишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғинларида "Софлом аёл қерак, ҳаётга" лойҳаси доирасида "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар ва уларнинг фарзандлари учун чукурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди.

Унда кардиолог, окулист, невропатолог, хирург, УЗИ шифокори, аёллар ва болалар шифокори каби турли йўналишдаги тиббиёт мутахассислари жалб этилди. Кўрик жараёнида ҳудуд аҳолиси ўртасида, жумладан, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"да турган хотин-қизлар ва фарзандларига соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб килиш, касалликларни бошланиш даврида аниқлаш ва даволаш чораларини кўриш, эрта туғуруқ ва болалар ўлиммининг олдини олиш каби қатор масалалар озиасидан тушунтишишлар олиб борилди.

Кўрикда ўзгalar парваришига муҳтож бемор Дилшода Шералиева мутахассислар томонидан ўй шароитида тиббий кўрикдан ўтказилди ва бепул дори-дармон восита-лари берилди.



## КЕКСАЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят Пахтаобод туман Кенгаши депутатлари X. Сотовдиев ва T. Сўниевлар тумандаги ёши улуг нуроний отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олиб, йўқлов тадбирларини ўтказиши.

Кексалар билан учрашувлар вақтида уларнинг мавжуд муаммолари, саломатликлари билан қизиқиши.

Шунингдек, тадбир давомида депутатларимиз нуронийларга бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган истоҳотлар, Юртбошимиз томонидан кексаларга кўрсатилаетган катта ўтибор, берилаетган имтиёз ва кўмаклар тўғрисида ҳам тушунчалар бериб ўтиши.



## «СОҒЛОМ АЁЛ КЕРАК ҲАЁТГА»

Ўзбекистон ХДП Кўшкўпир туман кенгаши ва туман тиббиёт бирлашмаси Оила ва хотин-қизлар тумандағи "Айронқўл" маҳалласида яшовчи "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган хотин-қизлар учун "Айронқўл" оиласидан поликлиникасида "Софлом аёл қерак ҳаётга" лойҳаси доирасида тиббий кўрик ташкил этилди.

Лойҳада турли мутахассисларга эга тиббиёт ходимларидан иборат жамоа ёрдамида кун давомида 173 нафар хотин-қиз ва болалар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Кўрик ХДП депутатлари томонидан ташкиллаштирилган учун аҳоли халқ вакиллари ва тиббиёт ходимларига ўз министрорлигини билдири.

Ўз мухбиришимиз.

## HAMKORIMIZ

+22  
+27 Коракалпогистон  
Республикаси  
Хоразм

+22  
+27 Бухоро  
Навоий

+23  
+28 Тошкент  
Самарқанд  
Жиззах  
Сирдарё

+24  
+29 Қашқадарё  
Сурхондарё

+22  
+27 Андижон  
Наманган  
Фарғона

+25  
+27 Тошкент  
шахри

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

"ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО":

# ГЭСЛАР ҚАНДАЙ ҚУРИЛЯПТИ?



"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти ўзгаришга, янги ва яхши натижаларга эришишга ҳаракат қиляпти?

Бу саволга ташкилот ахборот хизмати берган маълумотлардан муйян жавоб топиш мумкин.

Президентимизнинг 2022 йил 9 сентябрдаги "Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли кайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижросин таъминлаш мақсадиди, микро ва кичик ГЭСларни қуриша соҳага тадбиркорларни кенг жалб этиши борасида жамият раҳбарлигидаги тегишли ишчи гурух томонидан режа асосида вилоятларда тарбибот тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ушбу тадбирларда Фармоннинг мазмун-моҳияти, яъни тадбиркорлик субъектларига берилётган имкониятлар хамда жамият фаoliyati, микро ва кичик ГЭСларга оид маълумотларни қамраб олган маҳсус видеороликлар ҳам намойиш қилинмоқда.

Дастлабки тарбибот тадбирлари Наманган вилоятида ташкил этилди. Наманган вилояти ҳокимлиги, Наманган вилояти Иқтисолий тараққиёт ва камбағаллини қисқартишиб бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда бир гурух хусусий сектор вакиллари иштирок этди. Унда иштирокчиларга Фармон мазмун-моҳияти, жамият фаoliyati, микро ва кичик ГЭСларга оид маълумотлар тақдим этилди.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиши мумкин, тадбиркорларга Фармонда кўзда тутилган қатор имкониятлар берилимоқда.

Жумладан, 2022 йил 1 октябрдан бошлаб қуввати 5 МВтгача бўлган гидроэлектр станцияларда ишлаб чиқарилган электр энергияси "Худудий электр тармоқлари" АЖ ва давлат томонидан электр энергиясини харид қилувчи функцияси (ваколати) берилган орган томонидан кафолатланган тарзда сотиб олинади.

**2022 йил 1 октябрдан бошлаб қуввати 5 МВтгача бўлган гидроэлектр станцияларда ишлаб чиқарилган электр энергияси "Худудий электр тармоқлари" АЖ ва давлат томонидан электр энергиясини харид қилувчи функцияси (ваколати) берилган орган томонидан кафолатланган тарзда сотиб олинади.**

майдончасида ўтказиладиган ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиб олиш тарифини пасайтириб бориш юзасидан электрон аукцион натижалари асосида аниқланади.

Бунда, бошланғич нарх II гурух ис-

теъмолчилари учун белгиланган тарифга нисбатан, яъни қуввати 500 кВтгача бўлган гидроэлектр станцияларга 150 фоиз, шу билан бирга, қуввати 500 кВтдан 2 МВтгача бўлган гидроэлектр станцияларга 120 фоиз хамда қуввати 2 МВтдан 5 МВтгача бўлган гидроэлектр станцияларга 100 фоиз мидорида белгиланади.

Бундан ташқари, аукционни ўтказишнинг умумий муддати "Э-АУКЦИОН" электрон савдо майдончасида амала ошириладиган барча жараёнларни ўз ичига олган ҳолда, истисно тараққасида, 30 иш кунидан ошмайди ва гидроэлектр станцияларни қуриш бўйича лойиҳа ташаббускорини аниқлаш юзасидан ўтказилган электрон аукционда бир иштирокчи катнашган тақдирда ҳам у ўтказилган, деб хисобланади.

Қолаверса, микро ва кичик гидроэлектр станцияларни қуриш учун талаб этиладиган ер участкаларни белгиланган тартибида жамоат ёхтиёллари учун Энергетика вазириллигига доимий фойдаланиш хуқуқи асосида ахротидап ва кейинчалик ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участка-касига бўлган ижарага хуқуқи Энергетика вазириллигига олувчи ўртасида тузилган ер участкасининг ижарасига оид шартнома асосида Кадастр агентлиги томонидан давлат рўйхатига олиниди хамда ижарага олувчи ушбу ер участкаси бўйича солиқ тўловчи деб ётироф этилади. Шунингдек, ушбу ер участкаси олиб қўйиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаражатлар белгиланган тартибида лойиҳа ташаббускори томонидан қоплаб берилади.

Яна шуни айтиши мумкинки, тизим ташкилоти хисобланган "Сувсаноатмаш" АЖда "Made in Uzbekistan" миллий брендди остида замонавий агрегатлар ишлаб чиқарлиб, микро ва кичик ГЭСларга ўрнатилимоқда. Бу эса ўз навбатида ГЭСларнинг таннархига ўзининг ижобий тъясирини кўрсатмоқда.

Тарбибот, тушунтириш тадбирлари Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ташкил этилди.

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ  
Ахборот хизмати.

Бунда, бошланғич нарх II гурух ис-



## «BANYAN» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади!

1. 2022 йил 11 нообрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шахар Кенгашининг 03.10.2022 йилдаги №173-сонли буюртманомасига асосан кенгаш тасаруфида Тошкент шахар, Сергели тумани, Оби-хайёт (Массон) кўчаси 3-йи манзилида жойлашган бинонинг З-қаватидаги умумий майдони 424 кв.м.дан иборат бўлган бино кисми кўйилмоқда.

Шунингдек, қуввати 5 МВтгача бўлган гидроэлектр станцияларни қуриш бўйича лойиҳа ташаббускорлари (кейинги ўринларда – лойиҳа ташаббускорлари) Энергетика вазириллигига буюртмаси асосида "Э-АУКЦИОН" электрон савдо

катнашиши истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишвига асосан кўймас мулк бошланғич нахарининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини тўланганигини тасдиқлови ҳужжат билан бирга кўйидаги ҳужжатларни тақдим килишилар шарт:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувахнома нусхаси, ваколати вакил учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибида расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсими тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова килинган ҳолда;

- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколати вакил қатнашган тақдирда, ваколати вакил учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибида расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсими тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова килинган ҳолда;

Аукцион савдосига иштирок этишиб талабгорлардан буюртма-номаларни қабул килиш расмий иш кунларида (шанба, якшана ва байрам кунларидан ташкири) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул килинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул килиши савдо ташкилотидан ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16:00 даго тўхтатилиди. Савдо галибига аукцион савдоси натижалари бўйича галибилик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичади сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилиди.

Закалат пулуни тўлаш учун реквизитлар "BANYAN" МЧЖ, АТ "Xalqbank" Тошкент шахар филиали амалиёт бўлими. x/r: 20208000100757166001. МФО:01132. СТИР:304 802 952.

Манзил: Тошкент шахар, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси 51 уй. Телефон: +998-71-207-25-53.

Лицензия RR – 0298.



**36  
КИЛОЛИК ФАРОЙИБ  
ОШҚОВОК**

Сурхондарёнинг Шўрчи туманида 30-35 килоли ошқовоқлар борлигига кимдир ишонган бўлса, бошқалар кўл силтаб қўя қолди. Навбатдаги шов-шув бўлса керак, дейдиганлар ҳам топилди. Қизишиш устунлик қилиб, айтилган манзилга бордик.

- Ўн беш сотихи томорқамиз бор, - дейди Захириддин Муҳаммад Бобур номли маҳаллада истиқомат қилинч Ҳолбой Қурбонов. - Бир қисмига дехқончилик қилинса, бир томонида олма, анор, хурма ва бошқа мевали даҳраҳлар экилган. 11 сотихи иссиқхона ташкил қилинганим. Бир йилда ўртача 20-25 миллион сўм даромад олинади.

Кўпдан бўён ошқовоқ етишириши ният қилиб юрадим. Ўтган йилнинг нообрь ойида чуқуруги 70-80 сантиметр келадиган "ўра" кавладим. Маҳаллий ўғит ва тупрок аралашмаси солингандан кейин уч марта сувга тўйинтириди. Жорий йилнинг баҳори – 6 апрель куни "ўя"га тўртта уруғ қададим. Биттаси униб чиқди. Ўз вактида парвариш қилиб, бир неча марта сувладик. Ўсимлик шундай "тарвақайлаб" кетдики, асти қўяверинг. Ҳосил ҳам шунга яраша – ўнга яқин ошқовоқ битди. Тўрттаси "улкан" бўлса, қолгани мөъёрий катталиқда.

"Тажриба" ўтказиш мақсадида энг йирик ошқадини тарозига кўйдик. Киши кучогига аранг сифадигани нақд 36 кило-ю 193 грамм тош босди. Айланаси - 86, баландлиги 93 сантиметр экан.

- Бахайбат ошқовоқни нима қилмоқчисиз?  
- Рекордчи қовоқ"ка қизиқувчилар кўпайиб, ҳатто харидор ҳам келди. Аммо сотишга унамадим. Қарин-дош ва кўни-кўншига уашлоқчимиз.

- Ундан шўрва тайёрланса...



- Тахминан 140-150 кишига етса керагов...  
- Турли кўриниш ва турфа хилдаги ошқовоқлар учрайди. Аммо бундай бетакрор ва ноёбини топиш кийин.

- Биласизми, "Пакнук" навли уруғ буюртма асосида Тошкентдан олиб келинганди. Асосан Америка ва Мексикада етиширилар экан. Сувни кам талаб қилилади. Усувчанилиги яхши. Тез этилади. Ҳосилдорлиги юқори. Энг мумхин, ҳашорат ва зараркунандаларга чидамли. Серхосил ва гаройиб навни кўпайтириш максадидаман. Келажакда Шўрчининг ошқовоқлари ҳам дунёга машҳур бўлишига ишонаман.

**Абдувалик ҲАЙДАРОВ,  
"Ўзбекистон овози" мухбари.**

## O'ZBEKİSTON DAVLAT XOREOGRAFIYA AKADEMIYASI VAKANT O'RINLARGA TANLOV E'LОН QILADI

1. O'zDXA Urganch filiali katta o'qituvchisi (1 o'r'in)

2. "Xoreografiya" kafedrasи o'qituvchisi (1 o'r'in)

### TANLOVDA ISHTIROK ETISH UCHUN QUYIDAGI HUJJATLAR TAQDIM ETILISHI LOZIM:

- 1. Rektor nomiga ariza.
  - 2. Xodimning shaxsiri varaqasi.
  - 3. Ma'lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqidagi diplom nusxalarini.
  - 4. Pasport nusxasi.
  - 5. Ilmiy ishlar ro'yxatini (ilmiy kotib tomonidan tasdiqlangan holda).
  - 6. Malaka oshirganligi to'g'risidagi guvohnoma nusxasi.
  - 7. Mehnat daftarchasining nusxasi.
- Hujjatlar e'lon chiqqan kundan boshlab 1 oy muddatda qabul qilinadi.

**Manzil: 100011, Toshkent shahri, Yusuf Xos Hojib ko'chasi, 103-uy. Telefonlar: (71) 215-55-94, (71) 215-56-98.**

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1041. 1850 nusxada bosildi. О'зА yakuni — 00:41

Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqt — 01:00

т — Tijorat materiallari

Sotuvda kelishilgan narxa

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Maqsuda VORISOVA  
Qalandar ABDURAHMONOV  
Guliston ANNAQILICHE